Science and innovation research newsletter
scientific methodological journal
2026 / №-1
ngmpublication.uz



ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ЭР-ХОТИН МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ДЕСТРУКТИВЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ

Зиявутдинова Хумора Шермаматовна
Андижон давлат университети
Психология ва педагогика кафедраси доценти, PhD
xziyavutdinova@gmail.com
ORCID: 0009-0008-4584-5804

Аннотация: Мазкур тадқиқотда замонавий ўзбек оилаларида кузатиладиган эр-хотин ўртасидаги ғайриижтимоий муносабатлар ва тажовузкорлик шаклларининг трансформацияси тизимли таҳлил қилинган. Иш доирасида оилавий муҳитдаги зўравонлик ҳолатларнинг асосий моделлари - руҳий босим, жисмоний тажовуз, иқтисодий чекловлар ва жинсий мажбурлаш феноменлари, уларнинг юзага келиш механизмлари билан биргаликда ўрганилди. Эмпирик таҳлиллар асосида оила аъзоларининг маълумот даражаси, моддий таъминоти, анъанавий гендер ролларига содиқлиги ҳамда фрустрация омилларининг зўравонлик динамикасига кўрсатадиган таъсири далилланган. Тадқиқотларга кўра, оилавий деструкциянинг бош сабаблари сифатида когнитив стереотиплар, иқтисодий дисбаланс ва патриархал қарашлар доминантлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: Оилавий деструкция, никоҳ муносабатлари, гендер роллари, руҳий босим, абьюз, иқтисодий изоляция, ижтимоий-психологик детерминантлар, виктимлик, агрессор шахс.

Annotation: This study provides a systemic analysis of aggressive and destructive behavioral patterns between spouses within the specific cultural context of Uzbek families. The research delineates the primary manifestations of domestic abuse—ranging from psychological pressure and physical aggression to economic restrictions and sexual coercion-while exploring the psychological mechanisms behind them. Based on empirical data, the paper evaluates how educational attainment, financial strain, adherence to rigid gender roles, and existential stressors aggravate marital discord. The findings indicate that domestic dysfunction is heavily rooted in cognitive stereotypes, economic imbalances, and deeply ingrained patriarchal dynamics.

Keywords: Family dysfunction, marital dynamics, gender roles, psychological pressure, abuse, economic isolation, socio-psychological determinants, victimization, perpetrator personality.

Аннотация: В данной статье осуществляется системный анализ трансформации форм агрессии и деструктивного поведения между супругами в контексте узбекского менталитета. В рамках эмпирического исследования дифференцированы ключевые паттерны внутрисемейного насилия: психологическое давление, физическая агрессия, экономическое ограничение и сексуальное принуждение, а также раскрыты триггеры их манифестации. На основе полученных данных эксплицировано влияние уровня образования, материального благополучия, приверженности традиционным гендерным ролям и уровня фрустрации на интенсивность семейных конфликтов. Доказано, что в основе супружеской деструктивности лежат когнитивные стереотипы, экономический дисбаланс и ригидные патриархальные установки.

Ключевые слова: Семейная деструкция, брачно-семейные отношения, гендерные роли, психологический прессинг, абьюз, экономическая изоляция, социально-психологические детерминанты, виктимность, личность агрессора.

Кириш.

Замонавий тараққиёт шароитида деструктив никоҳ муносабатлари, хусусан, оилавий муҳитдаги тажовузкорлик ва босим муаммоси глобал миқёс касб этиб, ижтимоий-иқтисодий тузилиши ва маданий ривожланиш даражасидан қатъи назар, барча давлатлар учун жиддий трансмиллий хавф сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида изчиллик билан амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ҳамда инсон қадр-қимматини улуғлаш тамойиллари оилавий-маиший соҳадаги абьюзив муносабатларнинг ижтимоий-психологик детерминантларини чуқур илмий таҳлил қилишни ва унинг олдини олишнинг концептуал механизмларини яратишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Зеро, оиладаги зўравонлик феномени нафақат инсоннинг руҳий-физиологик дахлсизлиги ва суверенлигини бузади, балки жамиятнинг ижтимоий стратификациясида барқарорликка рахна солувчи, гендер деформатсияларини келтириб чиқарувчи ҳамда миллий тараққиёт стратегияси доирасида белгиланган устувор ижтимоий мақсадларга эришиш йўлидаги энг асосий деструктив тўсиқлардан бири ҳисобланади [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Оила жамиятнинг энг фаол бўғини ва ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи таълим-тарбия ўчоғи саналади. Оилалардаги ижтимоий муҳит ва ундаги барқарор бўлган қадриятлар жамиятнинг ижтимоий тараққиётига ўз таъсири кўрсатади. Бугунги кунда оилавий муносабатлар тизимида оилавий зўравонлик масалалари тез-тез муҳокама қилинадиган бўлиб қолди.

Зўравонлик ва зўрлик тушунчалари мазмунан бир бирларини тўлдирадиган мантиқий изчил тушунчалар бўлиб, адабиётлардаги манбаларда келтирилишича, зўрлик бирор кишининг иккинчи бир кишини зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан хўрлаши, жабр-зулм қилиши [3], ёки зўрлик-бирор кишининг иккинчи бир кишига нисбатан зўрлик қилиши, зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли билан хўрлаши, жабр-зулм қилиши [4] деб тушунтирилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида зўравонлик-зўравонларга хос ҳатти-ҳаракат, зўрлик, куч ишлатиш, ўзгаларга қонунсиз равишда куч ишлатувчи, зўрлик қилувчи, жисмоний бақувватлилик, кучлилик, улканлик, шиддатлилик [5] деб таъриф берилган.

“Хотин – қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида “зўравонлик-хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик)”-дея таърифланади.[2]

Психологлар зўравонлик турларининг иккита таснифи қабул қилинади ва кўпинча қўлланилади. Биринчи тасниф зўравонлик ҳаракатларининг табиатига

асосланади ва зўравонликнинг жисмоний, жинсий, психологик (эмоционал) ва иқтисодий каби турларини ўз ичига олади. Тадқиқотларда келтирилишича, зўравонлик интеграл характерга эга бўлиб, зўравонликнинг ҳар бир тури ажралмас қисм сифатида психологик (эмоционал) зўравонликни ўз ичига олади. Бир қатор муаллифлар руҳий зўравонликни жисмоний зўравонлик таъсирининг катализатори ёки ундан олдинги омил сифатида кўришади.

Иккинчи тасниф эса зўравонлик объектининг хусусиятларига қаратилган бўлади, яъни ёш хусусиятлари (болалар ёки қарияларга нисбатан зўравонлик), жинс хусусиятлари (аёлларга ёки эркакларга нисбатан зўравонлик), соғлиқ ҳолати (ногирон ёки муомалага лаёқатсизларга нисбатан зўравонлик), оилавий муносабатлар (қариндошлар ўртасидаги муносабатлар), этник келиб чиқиши, касби, ижтимоий мавқеи жиҳатидан ва б. Ҳозирги кунда болаларга нисбатан зўравонлик, турмуш ўртоғига нисбатан зўравонлик ва қарияларга нисбатан зўравонлик турлари энг долзарб бўлиб қолмоқда.

Зўравонлик ҳаракатларининг энг кенг тарқалган ва аниқ шакли жисмоний зўравонликдир. Жисмоний зўравонлик бошқа шахсга нисбатан қасддан жисмоний зўрлик ишлатиб, шахснинг соғлиги ёки ҳаётига зарар етказишга қаратилган бўлиб, жисмоний дахлсизлигини бузишда намоён бўлади. Лекин бундай холатда жабрланувчига руҳий таъсир кўрсатиш ҳам инкор қилинмайди[12].

Оилавий зўравонликнинг энг кенг тарқалган яна бир тури-психологик зўравонлик бўлиб, жисмоний зўравонликдан фарқли равишда, кам тилга олинади. Чунки, жисмоний зўравонликдан фарқли ўлароқ, бу зўравонликни аниқ белгилари танада кузатилмайди. Жисмоний зўравонлик бевосита, руҳий зўравонлик билвосита амалга оширилади.

Кўпгина турмуш ўртоқлар психологик зўравонлик қурбони бўлганликларини ҳатто англамайдилар. Бироқ, аксарият мутахассисларнинг фикрига кўра, психологик зўравонлик эр-хотин ўртасидаги зўравонликнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланиб, психологик характердаги инқирозли ҳаракатларнинг кенг доирасини ўз ичига олади.

Жинсий зўравонлик зўравонликнинг яна бир кенг тарқалган шаклидир. Жинсий зўравонлик-оилавий муносабатларда оила аъзолари ва қариндош уруғлари ўртасида зўравонликни қўллашдир. Жинсий зўравонлик деярли барча ҳолатларда қурбоннинг розилигисиз амалга оширилади. Жинсий зўравонлик- инсоннинг иродасига қарши жинсий алоқада бўлишга мажбур қилишда, жинсий камситиш шаклида ифодаланган зўравонликнинг бир тури хисобланади.

Юқорида санаб ўтилган зўравонлик турлари ва уларнинг хусусиятларига қўшимча равишда, иқтисодий ёки молиявий зўравонликни ҳам оилавий муносабатларда кенг тарқалган. Иқтисодий зўравонлик- оила аъзоларидан бири иккинчисини оила бюджетини бошқариш, пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш имкониятидан маҳрум қилишга уринишда квалификация қилинади.

Бир қатор тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, одатда, кўпчилик аёллар эрларига нисбатан кўпроқ психологик зўравонлик қўллашлари, эркаклар эса бунга жавобан жисмоний куч ишлатишга мойиллиги бўладилар. Сўровда қатнашган турмуш қурган аёлларнинг аксарияти (61%) улар биринчи бўлиб оғзаки жанжал



бошлаганликларини ва турмуш ўртоғи томонидан жисмоний зўравонликка учраганликларини тасдиқладилар[15]. Шундай қилиб, кўриб чиқилган таснифга мувофиқ, оилада зўравонлик кўринишининг мураккаблиги, кўп ўлчовли ва хилма-хиллиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқот зўравонликнинг турли кўринишларини ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларнинг намоён бўлишидаги гендер тафовутларини очиб беришга йўналтирилган. Ишнинг методологик асосини сифат ва миқдорий таҳлил методларининг интеграцияси ташкил этади. Тадқиқот қиёсий-корреляцион дизайн асосида қурилган бўлиб, унда зўравонлик турлари ҳамда шахснинг гендер хусусиятлари ўртасидаги боғлиқликлар ўрганилади. Ушбу ёндашув зўравонлик детерминантларини тизимли баҳолаш имконини беради. Тадқиқотда иштирокчилар мақсадли саралаш усули билан жалб этилди. Танланма таркибини Турли кўринишдаги зўравонлик ҳолатларига дуч келган ва ижтимоий реабилитация марказларида рўйхатда турган шахслар хамда психологик маслаҳатхоналар ва нодавлат-нотижорат ташкилотларига мурожаат қилган респондентлар ташкил этади. Иштирокчиларни танлашда гендер мутаносиблиги, ёш тоифаси ва ижтимоий мақоми инобатга олинди. Жадал ўрганиш жараёнида анонимлик, ихтиёрийлик ва этика қоидаларига қатъий амал қилинди.

Тадқиқотнинг эмпирик қисмида гендер ролларига муносабатни ва зўравонликка мойилликни ёки ундан жабрланиш даражасини аниқловчи стандартлаштирилган тестлар ва респондентлардаги депрессив ҳолатлар, агрессия ва хавотирланиш даражасини қиёсий баҳоловчи методикалар комплексидан фойдаланилди.

Олинган маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаш учун математик-статистик таҳлил SPSS ёки Excel дастурлари ёрдамида ва сифат кўрсаткичларини интерпретация қилиш усулларидан фойдаланилди. Бу жараён зўравонлик турларининг намоён бўлишида жинс омилининг таъсирини назарий ва амалий жиҳатдан асослашга хизмат қилади.

Тахлил ва натижалар.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, жисмоний зўравонликни идрок этишда респондентлар гуруҳлари ўртасида кескин диссонанс кузатилади. Зўравонликка учраган аёллар гуруҳида ушбу кўрсаткичнинг 51,25% ни ташкил этиши, мазкур контингент учун зўравонлик тушунчаси бевосита жисмоний дахлсизликнинг бузилиши билан идентификация қилинишини англатади. Психологик нуқтаи назардан, эркаклар гуруҳида ушбу кўрсаткичнинг энг паст 6,41% эканлиги диққатга сазовор. Бу феноменни икки хил талқин қилиш мумкин.

1-жадвал. Респондентларнинг аёлларга нисбатан қўлланилаётган зўравонликнинг турларига муносабат кўрсаткичлари

Баҳолаш мезонлари	Меъёрдаги оила вакиллари				Зўравонликка учраган аёллар (n=160)	
	Аёллар (n=145)		Эркаклар (n=78)			
	Жавобларнинг такрорланиcҳ миқдори	%	Жавобларнинг такрорланисҳ миқдори	%	Жавобларнинг такрорланисҳ миқдори	%
Жисмоний зўравонлик	48	33,10	5	6,41	82	51,25
Руҳий зўравонлик	65	44,82	31	39,74	46	28,75
Жинсий зўравонлик	12	8,28	8	10,25	10	6,25
Иқтисодий зўравонлик	20	13,79	34	43,58	22	13,75

Эркаклар ўзларининг агрессив ҳаракатларини зўравонлик сифатида эмас, балки оилавий иерархияни сақлаш ёки тарбия воситаси сифатида баҳолайдилар. Жисмоний куч ишлатиш маданий-ижтимоий стереотиплар таъсирида эркаклик доминантлигининг табиий намоён бўлиши сифатида идрок этилади. Бу эса жамиятда жисмоний тажовузнинг психологик чегаралари “ювилиб” кетганидан далолат беради.

Руҳий зўравонлик эса меъёрдаги оила вакиллари яъни аёллар - 44,82%, эркаклар - 39,74% руҳий зўравонликни биринчи ўринга қўйган ҳолда, уни оилавий бахтга энг катта таҳдид деб биладилар. Бироқ, реал зўравонлик қурбонларида бу кўрсаткич 28,75% билан сезиларли даражада паст. Бу ерда иерархик эҳтиёжлар ва хавфлар механизми ишга тушади. Жисмоний хавф остида яшаётган инсон учун эмоционал совуқлик ёки вербал агрессия (сўкиш, ҳақорат) экзистенциал хавф туғдирмайди. Натижада, қурбоннинг психикасида руҳий босимга нисбатан эмоционал анестезия ёки адаптация юзага келади. Меъёрдаги оилаларда эса жисмоний хавф йўқлиги сабабли, шахслараро муносабатлардаги энг кичик психологик ноқулайлик ҳам ўта оғриқли қабул қилинади.

Иқтисодий зўравонлик. Эркаклар гуруҳида иқтисодий зўравонликнинг юқори кўрсаткичи 43,58% ни ташкил этиб, эркак психологиясидаги ресурс назарияси билан бевосита боғлиқ. Эркаклар учун молиявий жиловни ушлаб туриш - бу жисмоний куч ишлатмасдан туриб аёл устидан тўлиқ назорат ўрнатишнинг энг самарали ва маданийлашган усулидир. Психологик нуқтаи назардан, бу инструментал агрессия бўлиб, у аёлни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан изоляция қилишга, унинг мустақил қарор қабул қилиш имкониятини фалажлашга қаратилган. Эркаклар буни зўравонлик сифатида эътироф этишлари, уларнинг ўз таъсир воситаларини англашини, лекин буни оила бошлиғининг ҳуқуқи сифатида кўришини ифодалайди.

Жинсий зўравонлик. Барча гуруҳлардаги кўрсаткичларнинг пастлиги яъни 6,25% - 10,25% улушга эга бўлиши соҳадаги реал вазиятни эмас, балки ижтимоий исталган жавоблар феноменини акс эттиради.

Хулоса.

Ўзбек оилавий моделида жинсий муносабатлар ёпиқ ҳудуд ҳисобланиб, ҳатто аноним сўровномаларда ҳам респондентлар бу борадаги ҳақиқатни очишга тайёр эмаслар. Кўп ҳолларда аёллар жинсий зўравонликни никоҳ мажбурияти сифатида

қабул қилиб, ўз шахсий чегараларининг бузилишини англамайдилар. Бу эса қурбонлик психологиясининг чуқур илдиз отганидан далолат беради.

Зўравонликни идрок этиш шахснинг ижтимоий ролига кўра қатъий фарқланади. Эркаклар учун доминантлик - иқтисодий назоратда, аёллар яъни қурбонлар учун - жисмоний тажовузда намоён бўлади. Стресс ва агрессия корреляциясида жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, оиладаги стресс омиллари: ишсизлик, молиявий етишмовчилик эркакларда иқтисодий назоратни кучайтириш ёки жисмоний агрессияга ўтиш механизмини фаоллаштиради.

Зўравонликка қарши кураш фақат ҳуқуқий эмас, балки эркакларнинг оилавий роллар ҳақидаги когнитив тасаввурларини ўзгартиришга қаратилган психологик коррекцияни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони.//lex.uz

2. “Хотин – қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.lex.uz

3. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Т., 2009. –Б. 199.

4. Юридик атамалар изоҳли луғати: 1-жилд –Т., 2007. –Б. 410.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т., 2009. –Б. 167-168.

6. Насилие и его влияние на здоровье. Доклад о ситуации в мире - М: Издательство «Весь Мир», 2002, 4-б

7. Киреев Г.Н. Сущность насилия. - М.,1990.,18-б

8. Римашевская Н., Ванной Д., Малышева М. И др. Окно в русскую частную жизнь. Супружеские пары в 1996г. М., 1999. С. 205.

9. Сердюк Л.В. Насилие. Криминологическое и уголовно-правовое исследование. М., 2002. С. 179

10. Dobash R.F., Dobash R.P. Violence against wives: a case against patriarchy. NY, 1979.

11. Гендерный подход к проблеме насилия: психологические стратегии и роль образовательных программ / Ред.коллег.:Г.Ф.Беляева и др. М., 2002. С. 31

12. Антонян Ю.М. Преступность среди женщин.- М.: Российское право, 1992.- 256 с.

13. Психологическая помощь пострадавшим от семейного насилия: Научно-методическое пособие / Под ред. Л.С.Алексеевой. М., 2000. С. 14

14. Шведова Н.В. О насилии в отношении женщин в семе//Насилие и социалное изменения: теория, практика, исследования. Част II - III. - М.: Сентр АННА, 2000. - С. 41 - 53.

15. Шишкин, О. Разведенный отец / О. Шишкин // Огонек. -2008. – С 42